

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ АКТАМ ШАРИПОВИЧ

**ҚАНД ЖЎХОРИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ, ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА
ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ ХОМ-АШЁСИ СИФАТИДА
ФОЙДАЛАНИШНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
по сельскохозяйственным наукам
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)
on agricultural sciences**

Азизов Актам Шарипович

Қанд жўхори навларини танлаш, етиштириш ва қайта тикланувчи энергия
хом-ашёси сифатида фойдаланишни илмий асослаш 3

Азизов Актам Шарипович

Научное обоснование подбора сортов, возделывания и использования в
качестве сырья возобновляемой энергии сахарного сорго..... 24

Azizov Aktam Sharipovich

Scientific justification for the selection, cultivation and use of sugar sorghum
varieties as a renewable energy raw materials..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АЗИЗОВ АКТАМ ШАРИПОВИЧ

**ҚАНД ЖЎХОРИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ, ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА
ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ ХОМ-АШЁСИ СИФАТИДА
ФОЙДАЛАНИШНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/Qx39 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сулаймонов Ботиржон Абдушукурович
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Бўриев Ҳасан Чўтбоевич
биология фанлари доктори, профессор

Муминов Нажмиддин Шамсиддинович
техника фанлари доктори, профессор

Аманов Ойбек Анварович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «28» июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail:tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (541115-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси.Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «10» июль куни тарқатилди.
(2020 йил «12» июндаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Қ.О.Додаев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича қанд жўхори 85 дан ортиқ мамлакатларда қарийб 50 млн. гектардан ортиқ майдонда етиштирилмоқда, унинг ялпи ҳосили 64 млн. тоннани ташкил этмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми қанд ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилса, маълум қисми чорвачиликда ем-хашак сифатида фойдаланилади. Дунё бўйича қанд жўхори етиштиришда етакчилик қилаётган Ҳиндистон (18,5 млн. га), Аргентина (8,9 млн. га), Камерун (8,0 млн. га), Бразилия (7,3 млн. га) ва Хитой (5,5 млн. га) каби давлатлардан келтирилган жўхори нав намуналари ичидан турли муддатларда пишадиган, дон, яшил масса ҳосилдорлиги, поя таркибидаги шарбатда қандлилик даражаси юқори бўлганларини танлаб олиш, селекция жараёнларига жалб этган ҳолда маҳаллий иқлим шароитларига бардошли, юқори ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги навларини яратиш, етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва биоёқилғи саноатини йил давомида хомашё билан таъминлаш долзарб муаммо ҳисобланади¹.

Сўнги йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида қанд жўхори поясини қайта ишлаб биоёқилғи (биоэтанол) олиш йўлида бир қанча илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, АҚШ ва Бразилия давлатлари зиммасига дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган биоёқилғининг (биоэтанол) 70% дан ортиқ улуши тўғри келади. Биоэтанол ёқилғисини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом-ашёсининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги экинлари ташкил этади. Жумладан, донли экинлардан 34-36%, картошқадан 9-12%, қанд лавлагидан 12%, шакарқамишдан 6-8%, қанд жўхоридан 9-15%, тапинамбурдан 9-13% биоэтанол олиш мумкинлиги тўғрисида илмий натижалар мавжуд. Юқорида қайд этилганларга асосан биоэтанол олишга мўлжалланган экинларидан бири бўлган қанд жўхори экинининг Ўзбекистон шароитида биоёқилғи олишга мос навларини ўсув даври бўйича тартиб билан жойлаштириш, уларни морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш, қимматли хўжалик белгилари ва биокимёвий таркибларини аниқлаш, шунингдек, уларни хом-ашё сифатида биоэтанол олишга тайёрлаш, ҳамда қайта ишлайдиган кам харажатли қурилмалар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган масала дейиш мумкин.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларидан иккиламчи биоэтанол олиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, биоэтанол олишга мўлжалланган юқори самарадорли бўлган экинни аниқлаш ҳамда уларни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнини тўлақонли акс эттирадиган илмий-тадқиқот ишлари мавжуд эмаслиги сабабли ҳозирда қанд жўхори экин навларини танлаш, уларни вақтинчалик сақлаш, биоэтанол

¹ <https://agronom.expert/posadka/ogorod/zlaki/sorgo/saharnoe-kak-ego-vyraschivayut-i-kuda-primenyayut.html>;
<https://www.newworldencyclopedia.org/entry/Sorghum>

олиш учун махсус қайта ишлаш қурилмаларни яратиш масаласи долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2019 йилнинг 15 майдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-539-сонли «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, 2019 йил 22 августдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш» ва 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик», IV. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ривожлантириш, илғор технологиялар, фотоника ва нанотехнологиялар асосида технологиялар ва қурилмалар яратиш», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва чиқиндиларини қайта ишлаб биоэтанол олишдаги жараёнлар ва технологик параметрларининг мақбул кўрсаткичлари ва энергия сарфини камайтириш технологияси бўйича изланишлар ҳозирда жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Булар қаторига: АҚШнинг биоэнергетика институти (Joint Bio Energy Institute), Россия Федерациясининг Сибирь Федерал университети, АҚШнинг Калифорния штатининг биоархитектура лабораторияси, Япониянинг Тохоку институти, Бразилиянинг See Algae Technology компанияси, АҚШнинг Coskata компанияси, Оффенбург университетининг амалий лабораторияси, АЕВІG Испания ассоциацияси, Märkische институти, Leibniz институти биотехнология бўлими (Германия), Bologna (Италия) университети, Технология ва табиий ҳаёт институти (Польша) ва Хитойнинг Chansha Mire Environment & Energy компанияси ва Корея Республикаси политехника университети ва бошқа илмий-техник марказлари киради.

Биоэтанол олиш бўйича қишлоқ хўжалиги экинларини навларини танлаш ва етиштириш, сақлаш, шунингдек, қайта ишлаш бўйича дунёда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги амалий натижаларга эришилган: Бразилия олимлари қанд жўхорининг тўртта (BSR 506, BSR 508, BSR 509 ва BSR 511) навларини танлаб олиб, биоэтанол ишлаб чиқаришда муқобил хомашё сифатида кўрсатган; Уругвай давлатида биоэтанолни концентратланган қанд жўхори шарбатада ишлаб чиқариш бўйича Valeria

Larnaudie технологияси яратилган, тажрибалар натижасида шарбатдаги қанд миқдорини биоэтанолни чиқишига таъсири ўрганилган; Япониянинг Тохоку институти тадқиқотчилари томонидан сув ўтларининг махсус тури яратилган бўлиб, бу турдаги сув ўтлари ачиткилар билан (фақатгина майдалашдан кейин) тўғридан тўғри биоэтанолгача бижғиши мумкинлиги таъкидланган; Украина тадқиқотчиларининг фикрларига кўра, биоэтанол ва унинг чиқиндисидан биогаз ишлаб чиқариш учун қанд жўхори бебаҳо ҳисобланади; Қозоғистон олимлари тадқиқотларининг натижаларига кўра, биоэтанол ёқилғисини ишлаб чиқаришдаги арзон хом-ашё манбаларидан бири бўлиб, қанд жўхорининг Қазақстанский-20 нави танланган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қанд жўхорини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаб биоэтанол олиш бўйича АҚШ, Бразилия, Аргентина, Ҳиндистон, Россия ва бошқа мамлакатларда Дж.Твайделл, А.Уэйр, Е.Д. Гельфанд, Я.И.Шефтер, М.М. Олешкевич, Ю.А.Лосюк, J.Russel, L.Espinoza, Н.А.Шепель, В.Я.Щербаков, С.В. Кадыров, Э.Б.Аскарбеков, М.Г.Маринов, А.И. Изтаева, У.Ч.Чоманова каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан, хусусан, қанд жўхори биомассасидан биоэтанол олиш усуллари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларидан биоэтанол ёқилғисини ишлаб чиқаришда қанд жўхори поясига ишлов бериб ва бижғиш жараёнида мақбул ачиткиларни танлашга оид илмий-тадқиқот ишлари А.У.Салимов, О.В.Лебедев, А.Р.Ражабов, Қ.А.Шарипов, С.А.Садриддинов, Р.К.Мусурманов, Н.Б.Эгамбердиев, Ш.Ж.Имомов, Н.Ш.Муминовлар каби олимлар томонидан олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, республика миқёсида, айнан қанд жўхори хом-ашёсидан биоёқилғи олиш бўйича илмий изланиш ишлари деярли тўлиқ бўлмай, улар фрагментар изланиш ва ишланмалардан иборат бўлиб, ушбу йўналишда чуқур ва атрофлича ўрганиш орқали илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фан ва технологиялар Агентлигининг П-18.45 «Разработка высоко эффективных технологий и технических средств для производства и применения альтернативных моторных топлив в сельскохозяйственных энергетических средствах» (2003-2005 гг.), ҚХИ-1-14 «Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида янги истиқболли районлаштирилган ем-хашак экин навларини шўрланишга ва қурғоқчиликка чидамлиларини аниқлаш ва фермер хўжаликларида жорий этиш» (2012-2013 йй.) мавзусидаги лойиҳалар асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қанд жўхорининг поя шарбатида юқори қанд тўпловчи навларини танлаш, етиштириш ва улардан муқобил энергия хомашёси сифатида фойдаланиш истиқболларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

шўрланган ва типик бўз тупроқ шароитларида сайлаб олинган қанд жўхори навларини ўсиши ва ривожланишининг морфобиологик

хусусиятлари, хўжалик қимматли белгиларининг шаклланиши ва ўсув даврини тадқиқ қилиш;

қанд жўхори навлари поясида ўсув фазасига боғлиқ равишда қанд тўпланиш динамикасини аниқлаш;

қанд жўхори навлари хўжалик-қимматли белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни тадқиқ қилиш;

муқобил энергия хомашёси сифатида фойдаланишга мўлжалланган қанд жўхори навлари биомассаси ва шарбатини биокимёвий таҳлил қилиш;

муқобил энергия хомашёси сифатида қанд жўхори шарбатини бижғитиш учун мақбул ачитқи штамmlарини танлаш;

қайта тикланувчи энергия манбаи сифатида ўсимлик хомашёсига дастлабки ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш;

қанд жўхори биомассасидан муқобил энергия хомашёси сифатида фойдаланишга мўлжалланган универсал активаторли вакуум-буғлатиш қурилмасининг тажриба нусхасини яратиш ва ишлаб чиқаришда синаш;

қанд жўхори биомассасидан муқобил энергия олиш жараёнида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулотлардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб поясининг таркибида юқори миқдорда углевод тўпловчи қанд жўхорининг эртапишар, ўртача кечпишар ва кечпишар гуруҳларига мансуб Ўзбекистон 5, Қорабош, Волжское 51, Асалбарг, Оранжевое 160, Янтарь ранний, Ўзбекистон 18, Голозерное, ICSR 93034 ва G-7 навлари, поя шарбатини бижғитиш жараёнида фойдаланиладиган *Saccharomyces cerevisiae* ачитқисининг ирқлари ва штамmlари ва биоэтанол олишга мўлжалланган «Универсал активаторли вакуум-буғлатиш» қурилмасининг тажриба нусхаси хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети қанд жўхори навлари ўсимликларининг ўсув фазалари, пояни дастлабки қайта ишлаш усуллари, поя шарбатининг биокимёвий ва технологик кўрсаткичлари, пояларни кесиб майдалаш ўлчамлари, ачитқи турларидан фойдаланишнинг мақбул меъёрлари, қайта ишлашда ҳосил бўлган иккиламчи маҳсулот турлари, «Универсал активаторли вакуум-буғлатиш» қурилмасининг ишлаш тамойили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ЎзПТИ томонидан ишлаб чиқилган услублар (2007) дан, фенологик кузатувларда «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», тупрок ва ўсимликларнинг кимёвий таркибини аниқлашда «Методика агрохимических анализов почв и растений» (1977) услубий адабиётларда келтирилган тавсиялардан фойдаланилди. Хом-ашё ва тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда: қуруқ моддалар миқдори «Халқаро метрология ва сертификация» кенгаши томонидан қабул қилинган ISO 2113-2013 ГОСТи бўйича, крахмал миқдори 10845-98 ГОСТи бўйича, умумий қанд ва редуцияловчи моддалар M.Dubois услуби бўйича аниқланган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for

Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) кўрсатган услуб бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор шўрланган ва типик бўз тупроқ шароитларида сайлаб олинган қанд жўхори навларининг биологик, морфологик хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида юқори хўжалик қимматли белгиларига эга бўлган навлар танланган;

қанд жўхори навлари поясида қанд тўпланиш жадаллигининг ўсув фазасига боғлиқлиги аниқланган;

қанд жўхори навлари хўжалик-қимматли белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ($r=0,96$) аниқланган;

муқобил энергия хомашёси сифатида фойдаланишга мўлжалланган қанд жўхори навларинг биомассаси ва шарбатининг биокимёвий таркиби аниқланган;

муқобил энергия хомашёси сифатида қанд жўхори шарбатини бижғитиш учун мақбул ачитқи штаммлари танланган;

муқобил энергия хомашёси сифатида қанд жўхори биомассасидан фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

қанд жўхори биомассасидан муқобил энергия хомашёси сифатида фойдаланишга мўлжалланган «Универсал активаторли вакуум-буғлатиш» қурилмасининг тажриба нусхаси яратилган;

қанд жўхори биомассасидан муқобил энергия олиш жараёнида ҳосил бўладиган таркиби углевод бўлган массадан биогаз олишда ва поя сикмасидан ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулотлардан чорвачиликда самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биоэтанол ишлаб чиқаришда хомашё сифатида фойдаланиладиган қанд жўхорининг Ўзбекистон 18, Қорабош, Оранжевое 160 навлари ўсув даври бўйича жойлаштирилган;

қанд жўхорини ўсув давридаги фенологик кузатувлар натижасида биоэтанол ёқилғисини ишлаб чиқариш учун поя шарбатининг энг мўътадил бўлган қандлик даражаси (18-20%) ва кислоталилиги (5,2-5,6%) аниқланган;

биоэтанол олишга мос қанд жўхори экинининг поясини кесиб майдалаш ва преслашнинг ўлчамлари ва технологик кўрсаткичлари аниқланган;

биоэтанол ёқилғисини ишлаб чиқариш учун қанд жўхори ўсимлигининг поя шарбатини «Универсал активаторли вакуум-буғлатиш» қурилмасининг тажриба нусхаси яратилди ва ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди;

танланган ва пресланган қанд жўхори навларининг иккиламчи маҳсулотлари: поя сикмаси, барг ва рўвак қисмлари чорвачиликда омукта ем ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибалари ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботларини муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотлари статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар,

инновацион кўрғазмаларда муҳокамадан ўтганлиги, олинган натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти поя таркибида юқори қанд моддасини тўпловчи навларнинг ўсув даври бўйича танланганлиги, ўсимлик пояси ва шарбатининг биокимёвий таркиби аниқланганлиги, қанд жўхори биомассасидан муқобил энергия хомашёси сифатида фойдаланиш мумкинлиги илмий асосланганлиги, қанд жўхори ўсимлиги хўжалик қимматли белгилари орасида корреляцион боғлиқлик мавжудлигини ўрганилганлиги; қанд жўхори шарбатидан биоэтанол олишга мўлжалланган «Универсал активаторли вакуум- буғлатиш» қурилмасининг тажриба нусхаси яратилганлиги, қанд жўхори шарбатини бижғитувчи ачитки турлари ва уларнинг мақбул меъёрлари аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қанд жўхори поясидан ажратиб олинган шарбатни бижғитиш жараёнида энг мақбул ачитки сифатида «FALI active dry yeast for alcohol» штаммининг аниқланганлиги; қанд жўхори шарбатини қайта ишлаб биоэтанол олишда универсал активаторли вакуум- буғлатиш қурилмасининг тажриба нусхаси ишлаб чиқаришда синовдан ўтганлиги, қанд жўхори биомассасини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи масҳулотлардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қанд жўхори навларини танлаш, етиштириш ва қайта тикланувчи энергия хом-ашёси сифатида фойдаланишни илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Юқори маҳсулдор ем-хашак экини ва муқобил энергия хом-ашёси сифатида қанд жўхори ўсимлигидан фойдаланиш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрда 02/021-3729-сон маълумотномаси). Натижада ем-хашак экини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида озиқа базаси самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда;

қанд жўхорининг озуқа моддаларига бой, юқори маҳсулдорлик, танланган «Қорабош» «Ўзбекистон 18» ва «Оранжевое 160» навлари Тошкент вилояти Бекобод туманидаги «SOF AGRO» МЧЖ да 200 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрда 02/021-3729-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида биоёқилғи (биоэтанол) ишлаб чиқариш саноатига «Қорабош» навида гектарида соф поя оғирлиги 30,2 т/га, қандлилиги 17-19%; «Оранжевое 160» навида соф поя оғирлиги 55,3 т/га қандлилиги 18,0-19,6%; Ўзбекистон 18 навида соф поя оғирлиги 67,69 т/га, ва қандлилиги кўрсаткичлари 19-20,4% бўлган маҳсулот етиштиришга эришилган;

«Универсал активаторли вакуум буғлатиш» қурилмаси нинг тажриба нусхасини синаш ишланмаси «LIVADIYA-BUKHARA» МЧЖга жорий этилган

(Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрда 02/021-3729-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ананавий технологияларга нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлиги 15-20% ортишига эришилган;

қанд жўхоридан биоэтанол олишда ажралиб чиқувчи иккиламчи маҳсулотлардан «Биогаз» олиш қурилмасида хом-ашё сифатида фойдаланиш ишланмаси «Ресурс тежамкор техника ва технологиялар» илмий марказида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрда 02/021-3729-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида биогаз қурилмасининг ишлаб чиқариш самарадорлиги 10-15% ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, шу жумладан 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Қанд жўхорини сақлаш, қайта ишлаш, унинг озик-овқат, қишлоқ хўжалиги ва тикланувчи энергия хомашёси сифатидаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқот ишлари ва адабий манбалари шарҳланган. Биобарин, қандли жўхорининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ботаник таърифи, морфо-биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси, қанд жўхорининг ташқи муҳит омилларига муносабати, биомассасининг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши, қайта тикланувчи энергия хомашёси сифатида қанд жўхори

шарбатидан фойдаланиш истиқболлари юзасидан адабиётлар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказилган жойнинг шароити, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иклим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот объекти ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажриба ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда олиб борилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, қанд жўхори пояси ва шарбатининг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича лаборатория таҳлиллари, қанд жўхори навларини СЭВ классификатори бўйича таснифланиши, хомашёни қайта ишлаш тартиблари ва схемалари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Қайта тикланувчи энергия хомашёси сифатида қанд жўхори навларини танлаш**» деб номланган учинчи бобида қанд жўхорининг навлари коллекцияси ичидан ҳар хил муддатда пишувчи, юқори сифатли, қайта тикланувчи ва таннархи арзон энергия олиш имконини берувчи истиқболли навларини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Қанд жўхори навларининг биометрик кўрсаткичлари, уларнинг яшил ва қуруқ масса тўплаш хусусиятлари» деб номланган бўлимида ҳар хил муддатда пишиб етиладиган қанд жўхори навларининг ўсув даври бўйича дифференциацияланиши, уларнинг биометрик кўрсаткичлари тадқиқ қилинган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, қанд жўхорини эртапишар нав намуналари ўсув фазаларининг давомийлиги қуйидагича бўлди: гуллаш даври – 68-71 кун, сут пишиш даври – 80-93 кун, тўлиқ пишиши даври – 99-107 кунни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар, андоза Ўзбекистон 5 навида рўваклаш – 68 кун, гуллаш – 73, сут пишиш – 91, вегетация даври давомийлиги – 105 кунни ташкил этди.

Ўрганилган ўртапишар нав-намуналарининг ушбу кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: гуллаш даври – 81-83 кун, сут пишиш даври – 90-95 кун, тўлиқ пишиши даври – 124-131 кунни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар андоза Оранжевое 160 навида рўваклаш – 71 кун, гуллаш – 84, сут пишиш – 97, тўлиқ пишиш – 125 кунни ташкил этди.

Кечпишар нав-намуналарда ўсув даврлари давомийлиги қуйидагича бўлди: гуллаш даври – 93-101 кун, сут пишиш даври – 111-117 кун, тўлиқ пишиши даври – 135-140 кунни ташкил этди. Андоза – Даулет навида гуллаш давригача бўлган давр давомийлиги – 99, сут пишиш – 107, вегетация даври – 138 кунни ташкил этди.

Эртапишар гуруҳига мансуб коллекцион навларда андоза – Ўзбекистон 5 навига нисбатан энг юқори қуруқ масса ҳосилдорлиги билан Волжское 51

нави – 18,1 т/га алоҳида ажралиб турди. Қолган навларда қуруқ масса ҳосилдорлиги ушбу даврда – 13,5-17,9 т/гани ташкил этди.

Ўртапишарларда энг юқори қуруқ масса ҳосилдорлиги Оранжевое 160 навида назоратга (18,5 т/га) нисбатан юқори – 19,0 т/га кўрсаткич қайд этилди. Қуруқ массанинг энг кам – 16,2 т/га ҳосилдорлиги Р-Л4 1002 навида қайд этилди. Ушбу навнинг қуруқ масса ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 1,7 т/га кам бўлди.

Кечпишарлар гуруҳида қуруқ масса ҳосилдорлиги андоза – Голозерное навида энг юқори (мос ҳолда 18,9 ва 24,2 т/га) бўлиб, қолган навларда ушбу кўрсаткич 15,8-17,8 ва 21,2-24,3 т/га атрофида ўзгарди. Ўзбекистон 18 навида қуруқ масса ҳосилдорлиги сут пишиш даврида назоратга нисбатан 0,1 т/га га юқори кўрсаткичга эга бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Қанд жўхори намуналарининг яшил ва қуруқ масса ҳосилдорлиги кўрсаткичлари (2015-2017 йй.).

№	Нав намуналар номи	Яшил масса ҳосилдорлиги, т/га		Қуруқ масса ҳосилдорлиги, т/га	
		гуллаш	сут пишиш	гуллаш	сут пишиш
Ўртапишар					
1	Ўзбекистон 5 – андоза	36,5	38,3	11,3	12,9
2	Қорабош	39,9	43,1	10,6	13,5
3	Волжское 51	38,2	50,1	10,8	18,1
4	Асалбарг	39,1	49,2	10,1	17,9
	ЭКФ ₀₅	2,9	2,4	1,5	1,1
	Sx	1,0	1,6	0,5	0,6
Ўртапишар					
1	Даулет – андоза	50,8	53,0	14,0	18,5
2	Оранжевое 160	48,3	51,2	13,9	19,0
3	Янтарь ранний	51,3	50,2	13,8	17,4
4	Р-Л4 1002	50,4	49,2	12,4	16,2
	ЭКФ ₀₅	3,7	2,8	1,7	1,2
	Sx	1,3	1,6	0,9	0,7
Кечпишар					
1	Голозерное – андоза	68,0	71,9	18,9	24,2
2	Ўзбекистон 18	61,2	70,4	17,8	24,3
3	ICSR 93034	60,8	68,3	16,9	23,5
4	G-7	59,3	70,2	15,8	21,2
	ЭКФ ₀₅	3,8	2,9	1,8	1,3
	Sx	1,5	1,8	0,9	0,8

Эртапишарлар гуруҳига мансуб Қорабош нави рўваклаш, гуллаш ва сут пишиш даврида шарбат таркибидаги қандлигининг юқорилиги билан (мос ҳолда 8,1; 11,2 ва 14,2%) алоҳида ажралиб турди.

Ўртапишарлар гуруҳига мансуб навларда рўваклаш, гуллаш ва сут пишиш фазалари бўйича яшил массада қанд миқдорининг андоза – Даулет навига нисбатан жадал ва кўпроқ миқдорда ортиб бориши билан DP-L4 1002 нави алоҳида ажралиб турди (мос ҳолда 9,2; 13,5 ва 16,1%). Оранжевое 160 навида ҳам қанд миқдори назоратга нисбатан рўваклаш даврида 1,6%, гуллаш даврида 4,0% ва сут пишиш даврида 0,7% га юқори бўлганлиги қайд этилди.

«Қанд жўхори навларини хўжалик қимматли белгиларининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги» деб номланган бўлимида ўрганилган қанд жўхори нав гуруҳлари асосий - биологик белгиларининг ўзаро боғлиқлик даражаси тадқиқ қилинган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, қанд жўхори ўсимлигида вегетация даври давомийлиги билан биомасса ҳосилдорлиги ўртасида корреляция мавжуддир. Бунда ўртапишар намуналар гуруҳида бевосита узвий корреляцион боғлиқлик ($r=0,7$) ва эртапишар ҳамда кечпишар навлар гуруҳида эса тескари узвий корреляцион боғлиқлик ($r=-0,7$) қайд этилади.

«Қанд жўхори навларининг турли тупроқ-иқлим шароитида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги» деб номланган бўлимида ўрганилган қанд жўхори нав гуруҳларидан ўзининг энг юқори кўрсаткичлари ва пояси таркибидаги шарбатда кўп миқдорда қанд тўплаши билан ажралиб турган, турли тезпишарлик гуруҳларига мансуб танлаб олинган навларнинг республикани шўрланган ҳудудларида ўсиши ва ривожланишини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланиш даражаси кучсиз, тупроғи қумоқ ерларда эса устунлик аввало ўртапишар Оранжевое 160 ва кечпишар Ўзбекистон 18 навида қайд этилди. Ушбу ҳолатда Қорабош навида юқоридаги икки навга нисбатан бирмунча пастроқ кўрсаткичлар қайд этилди.

Сирдарё вилоятида Қорабош ва Ўзбекистон 18 навлари ўсимликларининг баландлиги 161,4 см дан 276,1 см ни, яшил масса 54,63 дан 81,72 т/гани, қуруқ масса 19,46 дан 24,71 т/га ни ташкил этди. Демак, ушбу навларнинг Сирдарё вилояти шароитига жуда мос эканлиги исботланди.

Тупроқни шўрланиш даражасининг янада ортиши ўсув жараёнига салбий таъсир этиб, ўсимлик яшил массасини барча навлар бўйича камайишига олиб келди. Ушбу қонуният қуруқ масса миқдорида ҳам кузатилиб, Қорабош навида 9,3-6,5 т/га, Оранжевое 160 навида эса 10,2-6,2 т/га камайганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Қайта ишлашга мўлжалланган қанд жўхори навлари биомассаси ва шарбатининг биокимёвий таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида пояси таркибида энг кўп миқдорда қанд тўплаши билан ажралиб турган турли эртапишар гуруҳига мансуб бўлган навлар

Ўсимликларининг биомасса тўплаши ва шарбатининг биокимёвий таркибини аниқлаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг «Қанд жўхори навлари биомассаси ва шарбатининг биокимёвий таркиби» деб номланган бўлимида ажратиб олинган истиқболли навлар ўсимликларининг биомасса тўплаш жадаллиги ва шарбатининг биокимёвий таркиби тадқиқ қилинган (2-жадвал).

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, қандлилигининг юқорилиги билан ажралиб турган эртапишар – Қорабош, ўртапишар – Оранжевое 160 ва кечпишар – Ўзбекистон 18 навлари поясида қанднинг энг кўп тўпланиши тўлиқ пишиш даврига тўғри келди.

Қанд жўхори шарбати таркибидаги хом протеинлар миқдори умумий куруқ модда миқдорини 13,23-14,02% (ДМ)ни ташкил этди. Етиштирилган қанд жўхори таркибида оз миқдорда оксил моддалар борлиги кузатилди ($n < 0,001$). Бироқ ўтмишдош экинлар қанд жўхорининг таркибидаги углеводлар (целлюлоза) ва АДФ га таъсир ўтказмаслиги таққослаб ўрганишлар натижасида исботланди.

2-жадвал

Хомашё олишга тавсия этилаётган қанд жўхори навларининг ҳар хил вегетация фазаларида қанд тўплаш динамикаси, % (2015-2018 йй.).

№	Нав намуналари	Найча-лай бошлаш	Найча-лашнинг тугаши	Гуллай бошлаш	Гуллашнинг тугаши	Дон тўлиши	Сут пишиш	Тўлиқ пишиш
1	Қорабош	9,4	11,9	14,9	15,6	15,8	16,0	16,6
2	Оранжевое 160	12,0	13,6	16,0	16,8	16,0	16,4	18,2
3	Ўзбекистон 18	13,5	10,6	13,3	15,0	15,8	15,4	17,6

«Поя таркибидаги куруқ моддалар миқдори» деб номланган бўлимда ажратиб олинган истиқболли навларнинг куруқ модда тўплаш хусусиятлари ва куруқ модда маҳсулдорлиги тадқиқ қилинган. Таҷриба маълумотлари шуни кўрсатдики, куруқ модда миқдори поянинг пастки қисмида 12,8%, ўрта қисмида 13,9%, юқори қисмида 12,4%, умумий ҳисобда эса поя шарбати таркибидаги 13,1% бўлиши аниқланди.

Ўтказилган таҷрибалар натижасига кўра биринчи босқич – рўваклаш даврида Тошкент давлат аграр университети таҷриба далаларида етиштирилган қанд жўхори поясининг куруқ моддаларини тўплаши Қорабош навида 9,3%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий таҷриба станциясида етиштирилган Қорабош навида 9,7%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган Қорабош нави таркибидаги куруқ моддалар миқдори 11,2% эканлиги; Ўзбекистон 18 навининг руваклаш даврида Тошкент давлат аграр университети таҷриба далаларида 9,33%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий таҷриба станциясида 9,9%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган навининг поя таркибида 10,2% эканлиги; Оранжевое 160 навининг руваклаш даврида Тошкент давлат аграр университети таҷриба далаларида 10,9%,

Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида 11,2%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган нави тарқибидаги 11,4% эканлиги аниқланди.

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичи – гуллаш даври кузатув натижаларига кўра, Тошкент давлат аграр университети тажриба далаларида етиштирилган Қорабош навида 13,8%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида етиштирилган Қорабош навида 14,2%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган Қорабош нави тарқибидаги қуруқ моддалар миқдори 15,8 % эканлиги; Ўзбекистон 18 навининг гуллаш даврида Тошкент давлат аграр университети тажриба далаларида 9,7%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида 13,6%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган нави тарқибидаги 15,2% эканлиги; Оранжевое 160 навининг гуллаш даврида Тошкент давлат аграр университети тажриба далаларида 13,0%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида 14,8%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган нави тарқибидаги 15,4% эканлиги аниқланди.

Учинчи босқич – сут пишиқ давридаги кузатув натижаларига кўра, Тошкент давлат аграр университети тажриба далаларида етиштирилган Қорабош навида 15,6%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида етиштирилган Қорабош навида 16,8%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган Қорабош нави тарқибидаги қуруқ моддалар миқдори 18,0% эканлиги; Ўзбекистон 18 навининг сут пишиқ даврида Тошкент давлат аграр университети тажриба далаларида 17,6%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида 19,2%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган нави тарқибидаги 20,2% эканлиги; Оранжевое 160 навининг гуллаш даврида Тошкент давлат аграр университети тажриба далаларида 18,4%, Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида 18,8%, Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдонларида етиштирилган нави тарқибидаги 19,4% эканлиги аниқланди (1-расм).


Ўсув даври бўйича қанд жўхори поясидаги тўпланадиган қанд моддаларининг катта миқдорда тўпланиши сут пишиш даврига тўғри келади, шунга кўра ҳосилни йиғиштириб олиш сут пишиқ даврда ўтиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тажрибалар ўтказилган Қорабош, Ўзбекистон 18 ва Оранжевое 160 навларидан қандлилик даражаси энг юқори бўлиши билан Ўзбекистон 18 нави ажралиб турди. Унинг тарқибидаги биоэтанол олишдаги асосий кўрсаткич – қуруқ модда миқдори соф поя миқдorigа нисбатан 20,2% ташкил этади.

Тошкент давлат аграр университети тажриба станцияси натижалари %

Бекобод туман «SOF AGRO» МЧЖнинг дала майдони натижалари %

Маккажўхори селекция уруғчилиги илмий-тажриба станцияси натижалари %



1-расм. Қанд жўхори ўсимлигини турли ўсув фазаларида қуруқ моддаларни тўпланиш миқдори (2017-2019 йй.).

Диссертациянинг «Поя шарбатининг кимёвий таркиби таҳлили» деб номланган бўлимида тавсия этилаётган истиқболли навлар поя шарбатининг кимёвий таркибини аниқлаш юзасидан амалга оширилган таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, қанд жўхорининг Қорабош, Ўзбекистон 18 ва Оранжевое 160 навларини ўсув давридаги – рўваклаш, гуллаш, сут пишиш фазаларида поя шарбати таркибидаги фаол кислота миқдори нейтрал муҳитдан кучсиз кислоталиликка томон силжиши аниқланди, бунда рН нинг юқори нейтрал муҳитга яқин кўрсаткичи Қорабош навида, паст рН кучсиз кислоталилик миқдори Ўзбекистон 18 навида кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Турли даврларда пишадиган қанд жўхори навларини поя шарбатининг физик-кимёвий таркиби (2017-2019 йй.).

Навлар	Умумий қанд моддалари, %	Камайтирувчи моддалар, %	Крахмал, %	Қуруқ моддалар, %	Кислота лилиги, (рН)
Тошкент давлат аграр университети тажриба станцияси					
Қорабош	17±0,1	2,4±0,1	1,1±0,05	18,8±0,1	5,3
Оранжевое 160	17,7±0,3	2,5±0,1	1,6±0,1	19,3±0,2	5,32
Ўзбекистон 18	18,9±0,5	3,6±0,1	0,9±0,1	20,6±0,1	5,24
Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий-тажриба станцияси					
Қорабош	17,2±0,1	2,9±0,1	1,1±0,05	18,8±0,1	5,32
Оранжевое 160	18,2±0,3	2,6±0,1	1,6±0,1	19,3±0,2	5,4
Ўзбекистон 18	19,1±0,5	3,8±0,1	0,9±0,1	20,6±0,1	5,24
Бекобод тумани «SOF AGRO» МЧЖ дала майдони					
Қорабош	19,0±0,1	2,9±0,1	1,1±0,05	19,8±0,1	5,32
Оранжевое 160	18,7±0,3	2,6±0,1	1,6±0,1	20,3±0,2	5,4
Ўзбекистон 18	20,8±0,5	3,8±0,1	0,9±0,1	21,6±0,1	5,24

Диссертациянинг «Қайта тикланувчи энергия хомашёси сифатида қанд жўхори шарбатини бижғитиш технологияси» деб номланган бешинчи бобида ажратиб олинган истиқболли навлардан қайта тикланувчи энергия хомашёси сифатида фойдаланишда шарбатини бижғитишнинг самарали технологиясини илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Хусусан, ушбу бобнинг «Қанд жўхори шарбатини бижғитишда турли ачиткилардан фойдаланиш» деб номланган бўлимида шарбатни бижғитиш учун энг мақбул ачитки штаммлари аниқланган. Кузатувларнинг кўрсатишича, хужайралар концентрациясининг энг паст кўрсаткичи «FALI active dry yeast for alcohol» намунада – $22,662 \times 10^9$ КОЕ/г, энг юқориси эса «ANGEL starter of luguor-marking» ачитки намунасида – $32,683 \times 10^9$ КОЕ/г та эканлиги аниқланди, бу ачитки штаммини бижғитиш жараёни учун истиқболли эканлигини кўрсатади.

«Fali yeast / Active dry yeast for Alcohol» штамми ёрдамида қанд жўхори таркибидаги углеводлар миқдори 20,4% дан 4,3% гача парчаланиб 8,72% биоэтанолга ўтади.

Ушбу бобнинг «Қанд жўхори шарбатини бижғитиш учун самарали ачитки штаммларини танлаш натижалари» деб номланган бўлимида танлаб олинган ачитки штаммларини ишлаб чиқаришда синаш натижалари келтирилган. Синов натижаларининг кўрсатишича, қанд жўхори шарбати «*Saccharomyces cerevisiae*» ирқи «Angel / Starter of luguor-making» ачиткилари ёрдамида ўтказилган ферментация жараёнида қанд жўхори шарбати таркибидаги углеводларнинг 37% дан ортиғи 24 соат ичида, 55% ортиғи 36 соатда, 68% ортиғи 48 соат ичида, 78% ортиғи эса 60 соат ичида бижғитилиб, биоэтанолга айланди.

Диссертациянинг «Қайта тикланувчи энергия хомашёси сифатида қанд жўхори шарбатидан фойдаланишга мўлжалланган универсал активаторли вакуум-буғлатиш қурилмасининг тажриба нусхасини яратиш ва ишлаб чиқаришда синаш» деб номланган олтинчи бобида қанд жўхорини ажратиб олинган навларини қайта тикланувчи энергия хомашёси сифатида қайта ишлашга мўлжалланган универсал активаторли вакуум-буғлатиш қурилмасининг тажриба нусхасини яратиш ва уни ишлаб чиқариш шароитида синаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Хусусан, ушбу бобнинг «Қайта тикланувчи энергия манбаи сифатида ўсимлик хомашёсига дастлабки ишлов бериш технологияси» деб номланган бўлимида қанд жўхори навлари поясини дастлабки ишлаш тартиби, пояни майдалашнинг мақбул ўлчамлари, поя кесувчи ускуналарнинг тузилиши ва ишлаш тамойили тадқиқ қилинган. Тажриба маълумотлари шуни кўрсатдики, поя қисмининг ўсимликка нисбатан оғирлиги қанд жўхори навларидан келиб чиқиб 89% дан 93% гача, рўвак қисми 1,5% дан 3% гача, барги 4,5% дан 6% гача бўлиши мумкинлиги аниқланди. Жўхори пояси 20 мм дан 100 мм гача кесиб ўрганилганда пояларни кесиш жараёнида кесилган масса таркибида белгиланган стандарт ўлчамлардан ташқари турли хил ўлчамдаги парахалар ҳам борлиги қайд этилади. Тажриба маълумотлари шуни кўрсатдики, жўхори

поясини кесишда кесилган поя ўлчамларининг стандартдан четланиши кесиш ускунаси турига, ускунадаги ишчи орган кесиш механизмига (лезвия), кесиш кучи, материални кесишда ёнбошдан бериладиган босимга, ишқаланиш кучига, босим остида сиқилиб берилаётган материални пичок лезвиясидаги ишқаланиш кучига ва чархланганлик бурчагига боғлиқлиги аниқланди.

